

---

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Қўштепа туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори З.Турдиев томонидан Халқобод маҳалла фуқаролар йиғини биносида ижтимоий хизматлар бўйича сайёр қабул ўтказилди.

Қабул давомида 10 нафар фуқароларнинг 4 нафари болалар нафақаси, 4 нафари санаторияга бориш, 1 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро ногиронлик гуруҳи ва 1 нафар фуқаро фарзандини даволатиш масаласида муурожаат қилдилар.

Мазкур муурожаатлардан 3 таси жойида ижобий ҳал этилиб, қолган муурожаатларни ўрганиб, қонуний ҳал этишлик учун марказнинг тегишли мутахассисларига кўрсатмалар берилди.

Қўштепа туман “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази томонидан барча маҳалларда мунтазам равишда фуқаролар иштирокидаги сайёр учрашувлар ўтказиб борилиши кенг йўлга қўйилиб, фуқароларнинг муурожаатларини жойида ҳал этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),  
2024-04-20 19:40:27